

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т 08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

САБИРОВ ИЛҲОМ КАХРАМОНОВИЧ

НАМ ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА
ТОЛА ЧИҚИШИНИ ОШИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Сабиров Илхом Кахрамонович

Нам пахтани қайта ишлашда тола чиқишини ошириш3

Сабиров Илхом Кахрамонович

Повышение выхода волокна при переработке влажного хлопка-сырца27

Sabirov Ilhom

Increasing of fiber outlet during the processing of humid seed cotton.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т 08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

САБИРОВ ИЛХОМ КАХРАМОНОВИЧ

НАМ ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА
ТОЛА ЧИҚИШИНИ ОШИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T55 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хожиев Мухсин Тожиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмадхўжаев Хамид Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Мақсудов Равшан Хасанович
техника фанлари доктори

Ризаев Анвар Абдуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 23 феврал соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона)

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон – 5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил 5 февралда тарқатилди.
(2018 йил 5 февралдаги 26-рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Тошпўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хомашёси ҳисобланиб, ундан тайёрланадиган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб ошмоқда. «Халқаро консултатив қўмита (ICAC) маълумотларига қараганда 2016-2017 йил мавсумида жаҳон миқёсида 24,55 млн. тонна тола истеъмол қилинган бўлсада, ишлаб чиқарилган тола 23,07 млн. тоннани ташкил этди»¹. Бу борада, жумладан Бангладеш, Хитой, Туркия, Индонезия каби давлатлар пахта толасини импорт қилиш бўйича етакчилик қилган. Ушбу йўналишда пахта толаси ва уни сифатига бўлган талабларни янада ошириш, пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш имкониятини берувчи, янги ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга чет эл мамлакатларида пахта толасидан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда пахта толасини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган технологияларни такомиллаштириш кенг кўламда олиб борилмоқда. Пахтани сақлашнинг турли усуллари, ускуналари, махсус тележкалар, модуллар, уларни шакллантириш ва ташиш учун махсус воситалар, толали чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича турли регенераторлар, тола тозалагичлар ишлаб чиқиш ва уларни технологик жараёнларини такомиллаштириш, толали чиқиндилардан фойдаланишни турли усуллари ишлаб чиқиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати техника ва технологияларининг янгиларини яратиш, етиштирилаётган пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида дунё бозорида рақобатбардошликни таъминловчи сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, бир қатор тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари қуришга, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашга, пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола сифатини оширишга долзарб масала сифатида эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан пахтани ғарамлаш, сақлаш, қуритиш жараёнларини ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш, уларни пахта ва унинг компонентларини сифатини бузмаган ҳолда амалга оширишни таъминловчи технологик ускуналарни яратиш, технологик жараёнларда тола йўқолишини олдини олувчи, толали чиқиндилардан ип-йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш, тозалаш технологияларини такомиллаштириш зарур ҳисобланмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодийда энергия ва ресурслар

¹International cotton advisory committee.Washington, From the Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org. September 1, 2017

сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» каби вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга оширишда, жумладан юқори намликдаги пахтани дастлабки ишлашда тола чиқишини оширишнинг самарали технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Пахтани сақлаш, қуритиш, толали чиқиндиларни қайта ишлаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан USDA Ginning Cotton Research Unit, Texas Tech University, Samuel Jakson Incorporated (АҚШ), Central Institute for Research on Cotton Technology, Bajaj Steel Industries Limited (Ҳиндистон), Cotton research and devolepment corporation (Австралия), National Research Center for cotton processing engeeniring and technology, China Cotton Industries Limited, Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock, Handan Golden Lion, Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University (Хитой), Pakistan Cotton Standards Institute, National Textile University Faisalabad (Покистон), Busa Indústria e Comércio de Máquinas Agrícolas Limited (Бразилия), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти (Ўзбекистон) томонидан пахта саноати учун янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Пахтани сақлаш ҳамда толали чиқиндиларни тозалаш ва йигиришга яроқли толаларни асосий оқимга қайтариш техника ва технологиясини ишлаб

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.chnnawarpingma.chine.com, www.zaurer.com; www.t-tecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, [http://www. Benninger.group. com](http://www.Benninger.group.com); www.somet.it, www/picanol.bi, <http://www/toyoda/com>, [www.bstzjx.com.](http://www.bstzjx.com), International journal of applied and fundamental research ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан кўйидаги илмий натижалар олинган: пахтани сақлаш ва қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими яратилган (Texas Tech University, АҚШ); пахтани сақлаш учун ҳаракатланувчи трейлер воситаси яратилган (Арканзас университети, АҚШ); пахта хомашёси ва маҳсулотларининг капилляр-ғовак, коллоид материаллар сифатида иссиқлик ва намлик ўтказувчанлигининг асосий қонуниятлари олинган, тола тозалагич ва толали чиқиндиларни регенерациялаш ускуналарини ҳисоблаш ва лойиҳалаш услублари ишлаб чиқилган (Москва давлат дизайн ва технология университети, Иваново давлат тўқимачилик академияси, Кострома давлат технология университети, Россия; «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон); пахтани сақлаш учун вертикал шахта кўринишидаги таъминлагич, РБХ, РП русумли ғарамбузгич-таъминлагичлардан таркиб топган механизациялашган ёпиқ омбор ва жин-регенератор яратилган («Пахтасаноат илмий маркази» АЖ, Ўзбекистон).

Дунёда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияларини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш бўйича қатор, жумладан кўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: пахтани сақлаш усуллари ва технологияларини янги автоматлаштирилган тизими ва қуритишни ресурс тежамкор юқори иш унумига эга бўлган техникаларини яратиш; тозалаш, жинлаш ва тола тозалаш жараёнларини автоматлаштирилган самарали технологиялари, толали чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш; регенерацияланган толани тозалашни янги техника ва технологияларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нам материалларни қуритиш бўйича илмий муаммолар ва уларнинг назарий масалалари, жумладан, капилляр-ғовак, коллоид материалларда иссиқлик ва намлик ўтказишини асосий қонуниятлари, тола ва пахтани иссиқлик-физик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича L.Bolss, B.Balson, U.K.Luis, T.K.Шервуд, А.С.Гинзбург, С.М.Липатов, Ю.Л.Кавказов, Г.А.Максимов, А.В.Лыков, М.И.Шекольдін ҳамда толали материалларни тозалаш ва регенерациялаш жараёнларида уларни ёт қўшимчалар билан ўзаро таъсирлашиш қонуниятларини аниқлаш бўйича Van Doorn, Baker, Franks, Shepherd, Mangialardi, Memphis, Anthony, Milliken, Stroup ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Юқори намликдаги пахтани сақлаш ва дастлабки ишлашда толанинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини сақлаб қолиш бўйича Ўзбекистонда қилинган дастлабки тадқиқотлар Б.А.Левкович томонидан ўтказилган. Кейинчалик, Х.К. Давидбоев, Г.Г. Буданов, М.Ю. Алиев, Б.Г. Қодиров, А.С. Гриффин, Г.А. Тихомиров, Б.С. Суслин, К.С. Сабилов, В.Д. Хмыров, М.А. Алиев, М.Т. Ходжиев ва А.П. Парпиевлар бу соҳа илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Лекин, ҳозиргача маълум бўлган изланишларда юқори намликдаги пахтани сақлаш ва дастлабки ишлаш жараёнларида толали массанинг

йўқолишини камайтириш, толали чиқиндилардан йигиришга яроқли толаларни ажратиш олиш ва тозалаш орқали тола чиқишини ошириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ДИТД-13 «Пахтани қуритишни янги техника ва технологияларини яратиш» (2006-2008), ИД-И-012 «Пахтани бошланғич сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда самарали технологиясини яратиш» (2009-2010), ИОТ-2015-2-20 «Пахтани қуритишни самарали технологиясини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш» (2015-2016), ВА-ОТ-А9-18 «Толали чиқиндиларни қайта ишлашни самарадорлиги юқори технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори намликдаги пахтани сақлаш ва қайта ишлашда тола миқдорини тўлиқ сақлаб қолиш имконини берувчи янги технологиялар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нам пахтани сақлаш ва дастлабки ишлашда тола сифати ва миқдорини пасайиш сабаблари ҳамда унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, толанинг йўқолишини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш;

назарий ва амалий тадқиқотлар асосида юқори намликдаги пахтани сақлаш ва қуритишни ресурстежамкор янги технологиясини ишлаб чиқиш;

толали чиқиндилардан ип-йигирув хусусиятига эга бўлган толаларни ажратиш ва тозалашни янги самарали технологиясини яратиш;

жинланган чигит ва толали чиқиндилар (улюк) дан иборат аралашмани жин-регенераторда жинлаш кўрсаткичларининг оптимал қийматларини аниқлаш ва йигиришга яроқли тола олиш имконини берувчи тола тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш;

нам пахтани қуритиш ва сақлаш ҳамда толали чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларининг иқтисодий ва технологик самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахтани сақлаш, толали чиқиндилар (улюк) ни тозалаш ва регенерациялаш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини сақланаётган пахтадаги қизиш жараёнлари, толали чиқиндилардан йигирувга яроқли толаларни ажратиш ва уларни тозалаш ускуналари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статик ва динамик моделлаштириш, тўлиқ факторли экспериментлар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида оптималлаштириш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қиздирилган пахтани қуритишда намлик олинини ва пахтани бошланғич намлиги, атмосфера ҳавоси температураси, қуриткичнинг иш унумдорлиги

ўртасидаги боғланишлар олинган ва жараённинг рационал параметрлари ишлаб чиқилган;

толали чиқиндилардан “А” тип линт ўрнига қўшимча ип-йигирув хусусиятига эга бўлган тола олиш имконини берувчи жинланган чигитга толали чиқиндиларни аралаштириб, қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

чигит ва улюкдан толани максимал ажралиш имкониятини берувчи, толани ифлосликлардан ажралиш шартини тавсифловчи ва жин-регенераторнинг асосий кўрсаткичларини рационал қийматларини аниқлаб берувчи аналитик боғланишлар олинган;

жин ва жин-регенератордан чиққан чигитларни тукдорлиги ва толали чиқиндилар миқдорига қараб ишлаб чиқарилаётган толани штапел масса узунлигини олдиндан башоратлаш имконини берувчи эмпирик боғланиш ишлаб чиқилган;

қўшимча тола олиш имконини берувчи жин-регенераторни асосий кўрсаткичлари: арра цилиндрининг колосникдан чиқиб туриш, чигит тароғи қозикчасининг узунлиги, тезлатгич-тўзғитгич билан аррали цилиндр ўртасидаги оралик қиймати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ғарамдаги пахтани бошланғич намлиги, атмосфера ҳавосининг температураси ва қуритгичнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган қуритишнинг математик моделини таҳлили асосида сақланадиган пахтанинг намлигини барабанда пасайтиришни янги режими ишлаб чиқилган;

юқори намликдаги пахтани вақтинчалик кичик ғарамга ғарамлаш, ҳаво сўриш, ўз-ўзидан қизигунча сақлаш ва пахтанинг қизишидан фойдаланиб барабанли қуритгичда қуритиш, пахтани катта ғарамга жойлаштириш ва ҳаво сўришлардан иборат бўлган қуритишнинг янги режимлари ишлаб чиқилган;

жинланган чигит ва толали чиқиндилардан иборат аралашмани жин-регенераторда жинлашда арранинг колосникдан 40-45 мм чиқиб турганда, чигит тароғи қозикчасининг узунлиги 105-115 мм, тезлатгичнинг тўзғитгичи билан аррали цилиндр орасидаги тирқиш 20 мм бўлганда толани максимал тозалаш ва йигиришга яроқли тола олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавжуд ва амал қилинаётган фундаментал назарияларга мантқан мувофиқ келиши, тажриба синовлари бир неча пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, назарий ва тажрибавий изланиш натижаларининг ўзаро мос келганлиги, математик статистик қайта ишловлар 95% ишонччилик даражаси билан амалга оширилганлиги, пахта ва толани сифат кўрсаткичлари стандарт методикалар билан аниқланганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтани барабанда қуритиш кинетикасини ифодаловчи тенглама ва уни ҳисоблаш учун керакли бўлган кўрсаткичларни аниқлаш формулаларини олиниши; аналитик усулда пахтани бошланғич намлигига қараб қуритиш сонини аниқлаш имкони яратилиши;

пахтадан намлик олинисини математик модели асосида сақланадиган пахтанинг намлигини пасайтириш ва бир текислигини таъминлаш имконини берувчи қуритиш режимини аниқланиши; аналитик усул билан олинган, улюк толасини ифлосликлардан ажралиш шартини тавсифловчи, толани арра цилиндри тишининг олдинги юзаси бўйича ҳаракати, улюкдаги толанинг ишчи камерадан чиқиб кетиш кучига жин-регенератор хомашё валиги зичлигининг таъсир қилиш қонунияти асосида, чигит ва улюкдан толани максимал ажратиш ва тозалашнинг асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техникавий ечимларнинг ишлаб чиқариш зарурати асосида ишлаб чиқилгани, нам пахтани сақлашда уни намлигини стандарт талаблари даражасида бўлишини таъминланиши, пахтани қуритишни ресурстежамкор усулда амалга оширилиши, жинланган чигит ва толали чиқиндилардан иборат аралашмани жин-регенераторда жинланганда толани максимал тозалаш ва йигиришга яроқли тола олишнинг имконияти яратилиши, натижада тола чиқишининг ошиши ҳамда жараённинг энергия тежамкорлигини таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нам пахтани сақлаш ва толали чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнлари тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юқори намликдаги пахталарни вақтинча кичик ғарамларга жойлаб қуритиш, сўнгра 25x14 м ўлчамдаги ғарам майдонларига жойлаштириш усули «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ томонидан 2017 йилда ишлаб чиқилган ва «Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси» (регламент) га киритилган (1.42-банд) бўлиб, у барча пахта тозалаш корхоналарида жорий этилган. Натижада юқори намликдаги пахталарни сифатини бузмай сақлаш таъминланган;

юқори намликдаги пахтани сақлаш ва толали чиқиндиларни қайта ишлаш технологияси «Тошкент Пахтасаноат» ҳудудий филиалига қарашли Далварзин пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ 2017 йил 20 октябрдаги МА-62/1857-сон маълумотномаси). Натижада, қўшимча 1,3 % пахта толасини олиш имконини берган;

кичик ғарамларга вақтинчалик ғарамланган нам пахтани қиздириб, сўнгра 2СБ-10 қуритиш барабанида қуритиб, асосий (ўлчами 25x14 м бўлган) ғарам майдонига ғарамлаб сақлаш усули ва қуритиш режимлари «Андижон Пахтасаноат» ҳудудий филиалига қарашли Чинобод пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ 2017 йил 20 октябрдаги МА-62/1857-сон маълумотномаси). Натижада толадаги нуқсонлар 1,1% га, чигит шикастланиши 1,4% га камайтириш, тозалаш самарадорлигини эса 12,2 % га ошиш имконини берган;

диссертацияда ишлаб чиқилган юқори намликдаги пахтани дастлабки ишлаш технологияси «Хоразмпактасаноат» ҳудудий филиалига қарашли Хонқа пахта тозалаш корхонаси ҳудудида қуриладиган тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонасининг лойиҳа-смета ҳужжатларига ГПИ-4 лойиҳалаш институти томонидан киритилган («Ўзпахтасаноат» АЖ

2017 йил 20 октябрдаги МА-62/1857-сон маълумотномаси). Натижада юқори самарадорликка эга бўлган, ресурс ва энергия тежамкор замонавий пахта тозалаш корхонаси лойиҳасини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 24 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 15 та, шу жумладан чет элда 4 та мақола чоп этирилган ва 3 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишига мослиги, диссертация бўйича хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, диссертация ишининг асосий мазмуни ва таркиби ёритилган.

Диссертациянинг **“Нам пахтани қайта ишлашда тола йўқотилиши муаммосини холати”** деб номланган биринчи бобида нам пахтани сақлаш толали чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнлари, техника ва технологиялари ҳамда тола тозалаш бўйича таҳлиллар берилган, пахтани сақлаш ва қуритиш жараёнида ҳамда толали чиқиндиларни регенерациялаш ва тола тозалашда пахта компонентларининг намлик ва иссиқлик ўтказиши бўйича амалга оширилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқот ишларини моҳияти ёритилган, нам пахтани дастлабки ишлашни эришилган даражасига баҳо берилган. Адабиётлар тахлили асосида юқори намликдаги пахтани сақлашда ва жиндан кейин тола тозалашда тола йўқолишини бартараф этиш ҳисобига пахтадан тола чиқишини ошириш имконияти мавжудлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Нам пахтани сақлаш ва қуритишни янги технологиясини ишлаб чиқиш бўйича назарий ва тажрибавий изланишлар”** деб номланган иккинчи бобида пахта тозалаш корхоналарида нам пахта ҳажми, уни намлигининг нотекислиги ўрганилган ва юқори намликдаги пахтани сақлаш ва қуритишнинг янги технологияси таклиф этилган (1-расм).

Таклиф этилган технологиянинг моҳияти шундан иборатки, унда нам пахта кичик ғарамлар (14x7 м) га вақтинчалик жойлаштирилади, ундан хаво сўрилади (пахта намлигига қараб бир ёки икки марта), сўнгра 45-50⁰С гача қизиши кутилади, кейин қуритиш барабанида атмосфера ҳавоси ёрдамида




1-расм. Нам пахтани сақлаш ва қуритишнинг янги технологияси схемаси

қуритилади. Қуритилган пахта намлигига қараб катта намунавий ғарам (25x14 м) га ёки кичик ғарам (14x7 м) га жойлаштирилади. Катта ғарамга жойлаштирилган пахтадан технологик регламент ПДИ 70-2017 тавсияси бўйича ҳаво сўриш амалга оширилади ва сақланади. Кичик ғарамдаги пахта эса “ҳаво сўриш + қуритиш” циклидан қайта ўтказилади, сўнгра катта ғарамга жойлаштирилади.

Бунда асосий мақсад пахта намлигини 13% га тушириш ва намлик бир текислигини таъминлаш бўлиб, буни кам харажат орқали амалга оширишдан иборат. Кичик (14x7 м) ўлчамдаги бунт майдонини тайёрлашга сарф-ҳаражат қилинмайди, уни учтасини 25x14 м ўлчамдаги мавжуд бунт майдонларига жойлаштириш мумкин (2-расм).


Ушбу бобдаги асосий вазифа таклиф этилаётган пахтани қуритиш технологиясини назарий ва амалий тадқиқотлар асосида афзаллигини кўрсатиш, ўз-ўзидан қизиган пахтани барабанда қуритиш режимлари ҳамда пахта намлиги нотекислигининг ўзгаришини аниқлашдан иборат бўлган.

Тажриба синовлари Чинобод пахта тозалаш корхонасида ўтказилди.



2-расм. Пахтани ғарамлаш майдони.


Пахта 14x7 м ўлчамдаги ғарамлаш майдонига 4,5 м баландликда 60 т дан жойлаштирилди ва 8 та нутасидан температурасининг ўзгариши аниқланди ҳамда технологик регламент ПДИ 30-2012 талаби бўйича ҳаво сўриш амалга оширилди. Ҳаво сўриш муддати 12 соатни ташкил этди. Сўнгра қизиган пахта 45-50⁰С температурагача қизиганда қуритиш барабанида 10-15⁰С температурага эга бўлган атмосфера ҳавосида қуритилди. Қуритиш барабанини пахта бўйича унумдорлиги 5,0-5,5 тн/соат ни ташкил этди, берилаётган атмосфера ҳавосини миқдори 24000 м³/соат ни ташкил этди. Пахта намлигининг нотекислиги, қуритиш барабанига тушаётган ва ундан чиқаётган пахтанинг намлигини ҳар 15 минутда ўлчаш орқали аниқланди. Пахта икки ой сақлангандан кейин пахта тозалаш корхонасида қайта ишланди. 3-расмдан кўриниб турибдики, пахтадан жами 16,8% намлик ажратиб олиниб, унинг намлиги 13,2% га, пахта намликларининг нотекислик интервали эса 15% дан 3 % гача пасайишига эришилди.



1-бошланғич намлик ва намлик ўзгариш интервали; 2- биринчи ҳаво сўришдан кейин; 3- қуритишдан кейин; 4- иккинчи ҳаво сўришдан кейин; 5- қуритишдан кейин.

3-расм. Ғарамдан ҳаво сўриш ва қуритишда пахта намлиги (а) ва намлик нотекислиги интервалининг (б) пасайиши

4-, 5- ва 6-расмларда турли бошланғич намликка эга бўлган пахта намлигини тавсия этилган технологияда ўзгариши келтирилган.



1, 2, 3, 4, 5, 6 – мос равишда: пахтани бошланғич; биринчи ҳаво сўришдан кейин; қуритишдан кейин; иккинчи ҳаво сўришдан кейин; иккинчи қуритишдан кейин; учинчи ҳаво сўришдан кейинги намликлари

4-расм. Ғарамдан ҳаво сўриш ва пахтани қуритишда намлигининг ўзгариш гистограммаси

Олинган натижалардан куйидаги хулосалар қилинди:

кичик ўлчамли ғарамда сақланаётган пахтадан ҳаво сўриш ва уни қизиган ҳолда барабанда қуритиш усулини тадбиқ этиб, пахтадаги намлик нотекислигини пасайтириш ҳисобига, уяли қизишни олдини олиш мумкинлиги кўрсатилди;

таклиф этилган технологияда пахтани барча бошланғич намликларида, уни намлигини технологик регламент талаби даражаси (13,0%) гача тушириш имконияти мавжудлиги аниқланди;

кичик майдонда сақланаётган пахтани бошланғич намлиги 25% гача бўлганда уни “ҳаво сўриш + барабанда қуритиш” циклидан бир марта ўтказилгандан сўнг катта ғарам майдонига (25x14 м) жойлаштириш ва сақлаш, мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди;

кичик ғарамдаги пахта намлиги 25% дан юқори бўлганда уни “ҳаво сўриш + қуритиш” циклидан икки марта ўтказилиб сўнгра кичик ёки катта ғарам майдонига жойлаштириб, сифатли сақлаш мумкинлигини кўрсатилди.


Ғарамланган пахтадан ҳаво сўриш ва қуритишда намлик ажралишини (ΔW) пахтани бошланғич намлиги (W_0) га боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламалари олинди:

Биринчи ҳаво сўришда:
$$\Delta W = 0,005W_0^2 - 0,025W_0 + 1,1. \quad (1)$$

Барабанда қуритишда:
$$\Delta W = 0,004W_0^2 - 0,018W_0 + 0,94. \quad (2)$$


Қуритилган пахта ғарамланганда ҳаво сўришдан кейин:
$$\Delta W = 0,011W_0^2 - 0,305W_0 + 3,1. \quad (3)$$

Пахтани “ҳаво сўриш + қуритиш + ҳаво сўриш” циклидан кейинги намлиги:
$$W = -0,028W_0^2 + 1,72W_0 - 10,4. \quad (4)$$



1-биринчи ҳаво сўришида; 2-қуритиш барабанида;
3-иккинчи ҳаво сўришида

5-расм. Фарамланган пахтани бошланғич намлигига қараб ҳаво сўриш ва қуритишда намлик ажрелиши



6-расм. Пахтани ҳаво сўриш ва қуритиш циклидан кейинги намлигини ўзгариши

Навбатдаги вазифа 45-50⁰С ҳароратга эга бўлган пахтани қуритиш тартибини аниқлашдан иборат бўлди.

Маълумки, пахтада намлик асосан чигитда (70% гача) бўлади. Қуриш жараёнини тезлаштириш учун чигитдан намлик чиқиши тезлигини ошириш учун шароит яратиш керак.

Пахтада намлик миқдори ва ҳарорати юқори нуқтадан намлик кам ва ҳарорати паст бўлган нуқтага қараб ҳаракат қилади.

Чигитдан ажралиб чиқаётган намлик қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$g = a_m \rho_0 (\nabla W + \delta \nabla T) \quad (5)$$

бунда a_m – диффузия коэффиценти; ρ_0 – чигит зичлиги; ∇W ва ∇T – намлик ҳаракатланаётган нуқталардаги намлик ва ҳарорат градиенти; δ – термоградиент коэффиценти.


Таъкидлаш керакки конвектив қуритиш усулида тола ва чигит қобиғи ҳарорати (t_k) чигит мағизи ҳароратидан (t_m) сезиларли даражада юқори бўлганлиги сабабли $\nabla T = t_m - t_k$ қиймати манфий бўлади ва $-\nabla T$ чигитдан намлик ажрелишига қаршилик қилади, натижада намлик ҳаракати секинлашади.

Юқоридаги тенглама (5) дан кўриниб турибдики, намликни ажрелиш тезлиги ∇W ва ∇T қиймати ва йуналишига ҳамда диффузия коэффицентиго боғлиқ. ∇W ва ∇T қийматини ошириш қуритиш ҳароратига, пахтани қуритиш ҳароратини кўтариш эса тола сифати билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу қийматларни ўзгартириш имконияти чегараланган.

Муҳандислик ҳисоби учун диффузия коэффицентини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$a_m = 0,842 \cdot 10^{-17,9} \cdot T^{10} \cdot \rho^{-3,1} \quad (6)$$

Чигитнинг қизиш ҳароратига қараб a_m ни ўзгариши 7-расмда келтирилган бўлиб, чигит ҳароратининг 20°C дан 50°C гача кўтарилиш a_m қийматини 2,6 баробарга ошишини кўрсатди.



7-расм. Диффузия коэффициентини a_m ни чигит ҳароратига боғлиқлиги

Ушбу таҳлиллар ғарамда қизиган пахтани қуритишда чигитдан намлик ажралиш шароити юқори эканлигини кўрсатди.

Ғарамланган пахтани намлигини 13% га тушириш имконини берувчи “ҳаво сўриш”+ “қуритиш” цикли сонини аниқлаш учун пахта намлигини қуритиш барабанида ўзгариш қонуниятини билиш зарур. Ушбу қонуниятни аниқлаш учун капилляр-ғовак-коллоид материаллар учун Б. С.Сажин тавсия этган ва А.З.Маматов томонидан пахтага қўлланган қуриш жараёнини умумлашган тенгламасидан фойдаланамиз.

$$-M \frac{dW}{d\tau} = k(2A - B - W)(W - B) \quad \frac{W}{\tau=0} = W_n \quad (7)$$

бунда M – қуритилган пахтанинг 1 м² юзасига тўғри келадиган оғирлиги; W_n , W - пахтани бошланғич ва муайян намлиги; A ва B - пахтани бошланғич ва қуритишдан кейинги мувозанат намлиги; τ - қуриш давомийлиги, k - қуритиш коэффициентини.

Бошланғич мувозанат намлик A қиймати қуриш жараёнини қизиш даври якунида пахтани оладиган намлигига тенг бўлади. Ғарамдаги бошланғич температураси 45-50°C бўлган пахтани атмосфера ҳавоси ёрдамида барабанда қуритганда пахтадан намлик ажралиш дархол (қизиш даврисиз) бошланганлиги сабабли A қиймати W_n га тенг бўлади ($A=W_n$).

(7) тенглама ёрдамида қуритиш барабанида қуритиш жараёнида пахта намлиги ва қуриш давомийлигини ҳисоблаш тенгламалари олинди:

$$W = \frac{2W_n - B + B \cdot \exp \frac{2k\tau(W_n - B)}{M}}{1 + \exp \frac{2k\tau(W_n - B)}{M}} \quad (8)$$

$$\tau = \frac{M}{2k(W_n - B)} \ln \frac{(2W_n - B - W)}{(W - B)} \quad (9)$$

Тажриба натижаларидан фойдаланилган холда куритиш коэффициентини ҳисоблаш тенгламаси олинди.

$$k = [6,693 - 0,148W_n - 0,014T] \cdot 10^{-3} \quad (10)$$

Олинган (8) ва (9) тенгламалардан фойдаланиш учун B қийматини аниқлаш лозим. Уни Б.В. Лыков томонидан таклиф этилган формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$B = W_p = \frac{17,2\varphi_2}{1,82 - \varphi_2} \quad (11)$$

бунда φ_2 - куритиш барабанидан чиқаётган ҳавони нисбий намлиги; $\varphi = 0 \div 1$; W_p – пахтани барабандан чиқаётган ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигига мос келадиған мувозанат намлиги.

Ҳавони нисбий намлиги φ_2 куйидаги формула билан аниқланади:

$$\varphi_2 = \frac{100P_b \cdot d_2}{P_1(622 + d_2)} \quad (12)$$

бунда P_b - ҳаво босими; P_1 ва d_2 - барабандан чиқаётган ҳаводаги тўйинган буғ босими ва намлик салқими.

$$d_2 = d_0 + \frac{Q(W_1 - W_2)(1000 + d_0)}{L(100 + W_1)} \quad (13)$$

бунда L , d_0 - барабанга узатилаётган ҳавони миқдори ва намлик салқими, г/кг.қ.х.; Q – барабанни пахта бўйича иш унумдорлиги, кг/соат; W_1 - барабанга кираётган пахта намлиги, %; W_2 - барабандан чиқаётган пахта намлиги, %.

d_2 ва φ_2 қийматларини билган холда B ва W қийматларини аниқлаш мумкин.

Олинган назарий натижаларни асослаш ва куритиш барабанида пахтадан намлик ажратиш миқдорини аниқлаш учун Муस्ताқиллик пахта тозалаш корхонасида тажриба синовлари ўтказилди. Куритилган пахта намлиги (Y) билан пахтанинг бошланғич намлиги (X_1), барабанни пахта

бўйича унумдорлиги (X_2), атмосфера ҳавоси ҳарорати (X_3) ўртасидаги боғланишни характерловчи регрессия тенгламаси олинди:

$$Y=18,73-5,625X_1+0,3X_2+0,35X_3+0,08X_1X_2-0,05X_2X_3-0,05X_1X_2X_3.$$

Тенглама коэффицентларини аҳамиятлилигини Стьюдент критерияси ёрдамида, уни адекватлигини Фишер критерияси билан асослангандан сўнг тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлди

$$Y=18,73+5,625X_1+0,3X_2+0,35X_3 \quad (14)$$

Пахтанинг бошланғич намлигига қараб барабанда намлик ажратиш миқдори иш унумдорлиги 4,5-6 т/соат бўлганда 2,9 % дан 6,6 % гача бўлиши аниқланди. Олинган натижалар (1-жадвал) назарий ва тажриба асосида аниқланган пахта намликларининг бир-бирига мутаносиблигини кўрсатди.

1-жадвал

Қуритиш барабанида қуриш жараёнининг қиёсий кўрсаткичлари

№	Пахтанинг бошланғич намлиги, %	Ҳаво температураси, °С	Қуриш коэффициенти, $k \cdot 10^{-3}$	Мувозанат намлиги, В, %	Қуритишдан кейинги пахта намлиги, %	
					формула (10) бўйича	тажриба бўйича
1	20	15	3,52	8,5	17,4	16,9
2	25	15	2,78	9,6	21,4	20,8
3	30	15	2,49	10,8	24,9	24,8


Диссертациянинг “**Жин-регенераторда тола тозалаш чикиндиларидан толани ажратиш ва тозалаш назарияси**” деб номланган учинчи бобида жин-регенераторда тола тозалаш чикиндилари билан жинланган чигит аралашмасини 1ДР-119 жин-регенераторда жинланганда толани тозалаш ва ажратиш олишнинг назарий тадқиқотларининг натижаси келтирилган.

Тола тозалаш чикиндиларининг тахлили, регенерация қилинган ва тозаланган тола ифлослиги стандарт талабидан юқори бўлиб, уларни ишлаб чиқарилаётган асосий толага қўшиш тола сифатини пасайишини кўрсатди. Шу сабабли, толали чикиндиларни регенерациялаш ва тозалашнинг янги технологияси тавсия этилган бўлиб, унда чикиндиларни жинланган чигитларга аралаштириб 1ДР-119 жин-регенераторда жинлаш ва олинган толани тозалаш амалга оширилади (8-расм).

Регенерацияланган ва тозаланган тола, таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улушига қараб асосий тола оқимида кўшилиб ёки алоҳида тойланиши мумкин.

Жин-регенераторда чигит тукдорлиги сабабли, арра тишларига илашган толалар аралашма орасидан ўтаётганда хомашё валигининг маълум зичлигида “тараш” эффекти вужудга келади, натижада толадан ифлосликлар ажралади. “Тараш” эффекти, яъни толани ифлосликлардан тозалаш кўп омилларга боғлиқ: хом ашё валиги зичлиги, унинг босимидан ҳосил

бўладиган ишқаланиш кучи, улюк толаси билан чигит орасидаги ишқаланиш кучи, толани улюк билан, ифлосликни тола билан бирикиш кучи шулар жумласидандир.



8-расм. Толали чиқиндилардан (улюкдан) тола регенерациялаш ва тозалашнинг янги технологияси схемаси

Жин-регенераторда 1ДР-119да жинлашда бир вақтни ўзида эркин тола ва улюк таркибидаги тола арра тишига илашиш, хом ашё валигида тукли чигитлар орасидан судраб ўтиш, узилиш ва ишчи камерадан чиқиш жараёнлари амалга оширилади. Бунда қолдиқ толадорликка эга бўлган чигитлар ҳам жинланади.

Жин-регенераторда жинлаш ва тола тозалаш жараёнлари самарали бўлиши учун тозалаш самарадорлиги ва жинлаш шароитига таъсир этувчи омиллар назарий таҳлил қилинди.

Асосий вазифа толани улюкдан ажратиш, ифлосликдан тозалаш ҳамда ажратилган ва тозаланган толани жин-регенераторнинг ишчи камерасидан олиб чиқишни таъминловчи омилларнинг оптимал қийматларини аниқлашдан иборатдир. 9-расмдаги схемадан кўриниб турибдики, улюкдаги толани хомашё камерасидан чиқариш кучи \bar{F}_T асосан ишчи камерасининг бутун ҳажми бўйича хомашё валигини толага босимидан ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи \bar{F}_{mp} ва толани улюкка бирикиш кучи $\bar{F}_{кр}$ га боғлиқ.


Бунда

$$\bar{F}_T > \bar{F}_{mp} + \bar{F}_{кр} \text{ ёки } F_T > (\rho Vg + F_{кр})f \quad (15)$$


бу ерда ρ - хом ашё валиги зичлиги; V – оғирлиги билан толани қамраб олган хом ашё валиги ҳажми; f – хом ашё валиги билан тола ўртасидаги ишқаланиш коэффициентини, g - эркин тушиш тезланиши.

10-расмда ишқаланиш коэффициентини f нинг турли қийматларида улюк толасини ишчи камерадан чиқариш кучини хомашё валиги зичлигига боғлиқлик графиги келтирилган.

Хом ашё валиги зичлиги 310-320 кг/м³ ва ишқаланиш коэффициентини қиймати 0,32 дан 0,35 гача бўлганда толани чиқариш кучи \bar{F}_e ни керакли қиймати таъминланади.



9-расм. Ишчи камерада улюк толасини чиқариш кучини аниқлаш схемаси



10-расм. Улюк толасини ишчи камерада чиқариш кучининг хомашё валиги зичлигига қараб ўзгариши

Шуни таъкидлаш керакки, арра цилиндри тишига илашган толани хомашё валигидан чиқариш фақат уни илашган тиш юзасидан ҳаракатсиз ҳолатда ёки тиш ичига қараб ҳаракатлангандагина мумкин бўлади. Шу сабабли толанинг арра цилиндри тишининг олдинги юзасидаги ҳаракатланишининг қуйидаги қонуниятни аниқланди:

$$x = c_1 e^{(a-f)\omega t} + c_2 e^{-\omega t(a+f)} + \frac{g(\epsilon - 2f^2) \cos \omega t}{\omega^2(\epsilon + 4f^2)} + \frac{\epsilon(\omega^2 A - q) \sin \omega t}{2f\omega^2} \quad (16)$$

бунда c_1 , c_2 - интеграллаш ўзгармалари; ω - хом ашё валигининг бурчак тезлиги; g - эркин тушиш тезлиги; t - вақт; a , ϵ ва A - коэффициентлар.

$$a = \sqrt{f^2 + (\cos \xi - f \sin \xi) \omega^2}, \quad \epsilon = 1 + \cos \xi - f \sin \xi,$$

$$A = \frac{g(1 + \cos \xi - f \sin \xi) - 2f^2 g}{\omega^2(1 + \cos \xi - f \sin \xi)^2 + 4f^2 \omega^2}$$

бунда ξ - X ўқи билан марказдан қочма куч орасидаги бурчак.

(16)-формула бўйича бажарилган ҳисоблаш натижалари жин-регенератор аррали цилиндри диаметри 0,31-0,32 мм $W=76,41\text{C}^{-1}$ ва хом ашё валиги зичлигининг 310-320 $\text{кг}/\text{м}^3$ қийматида тола арра тиши юзаси ёрдамида хомашё валигидан чиқиб кетиши мумкинлигини кўрсатди.

Диссертациянинг “Тола тозалагичларининг толали чиқиндилардан ип-йигирувига лойиқ толаларни ажратиш ва тозалаш бўйича тажриба ва изланишлар” деб номланган тўртинчи боби толали чиқиндилардан ип-йигирув хусусиятига эга бўлган толаларни янги техникавий ечимга эга бўлган ажратиш ва тозалаш технологиясига бағишланган. Тозалаш ҳамда жин-регенераторнинг асосий технологик кўрсаткичларининг оптимал

қийматларини аниқлаш бўйича реал ишлаб чиқариш шароитида амалий тадқиқотлар ўтказилди.

Толали чиқиндиларни мавжуд ОН-6-3М русумли тола тозалагичда тозалаб, улардан стандарт талабига жавоб берадиган қўшимча равишда сифатли тола олиш имконияти ўрганилди.

ОН-6-3М тола тозалагич барабанларининг айланишлар сони 500, 600, 700 айл/мин, иш унумдорлиги 400, 500, 600 кг/соат бўлганда толали чиқиндиларни тозалаш самарадорлиги 50,9% дан 71,2% гача бўлиши, тозаланган толада қолган нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши I-нав толаларда 19%, II-навда эса 25% дан юқори бўлишини кўрсатди.

Олинган тола сифати стандарт талабига жавоб бермаслиги ва уни қўшимча тозалаш эҳтиёжи мавжудлиги аниқланди.

“Пахтасаноат илмий маркази” ОАЖ лабораториясида 42 аррали жин-регенераторда ва Далварзин пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариш шароитида тавсия этилган технология - жинланган чигитга толали чиқиндиларни аралаштириб 1ДР-119 жин-регенераторда жинлаш жараёни ва уни тола сифатига таъсири ўрганилди.

Лаборатория жин-регенераторида ўтказилган тажриба натижалари (2- ва 3-жадваллар) жинланган чигитни ўзини жин-регенераторда қўшимча жинланганда тола олиниши 0,7%, уни штапел масса узунлиги 28,3 мм, нуқсонлар ва ифлос аралашмаларни массавий улуши 8,1% бўлиб, II-нав “А” типидagi линт олинишини, толали чиқинди аралаштирилган вариантда эса толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларни массавий улуши 12,4% бўлиб, VII-тип, IV-нав “ифлос” синфли тола олинишини кўрсатди.

Агарда жин-регенератордан чиққан тола ОН-6-3М тола тозалагичда тозаланса, ундаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши 12,4% дан 3,97% гача пасайиши ҳисобига “яхши” синфли тола олиниши аниқланди.

Далварзин пахта тозалаш корхонасида ўтказилган тажрибада жин-регенератор 1ДР-119 ни асосий технологик кўрсаткичлари, жумладан чигит тароғи қозикчасининг узунлиги, колосник тепасидан аррани чиқиб туриш масофаси, тезлатгич-тўзғитгич билан аррали цилиндр ўртасидаги ораликнинг олинаётган тола сифатига таъсири аниқланди.

Тажриба Ан-Баявут-2 III-нав намлиги жин тарновида 8,5%, ифлослиги 1,8% бўлган пахтада ўтказилди. Жиндан кейинги чигит тукдорлиги 14,0-14,7%, механик шикастланиши 2,8-3,2%, чиқиндидаги тола миқдори 64,5% дан иборат бўлди.

Натижада тола чиқиши (Y_1), чигит тукдорлиги (Y_2), толадаги нуқсонли аралашмаларни массавий улуши (Y_3) ва толани штапел масса узунлиги (Y_4) билан чигит тароғи қозикчаси узунлиги (X) ўртасидаги боғланиш олинди:

$$Y_1 = 0,0015 x^2 - 0,27x + 12,51 \quad (17)$$

$$Y_2 = 0,0012 x^2 + 0,187 x + 7,17 \quad (18)$$

$$Y_3 = 0,003 x^2 - 0,505 x + 31,4 \quad (19)$$

$$Y_4 = -0,011 x^2 + 2,28 x - 86,83 \quad (20)$$

Чигит ва толали чиқиндиларни бошланғич кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Наманган-77, I нав, 1-синф пахта хомашёси							
		аралашмасиз				аралашмали			
		Такрорлашлар							
		1	2	3	ўрт	1	2	3	ўрт
1.	Жинланган чигит:								
	-тукдорлиги, %	11,0	11,1	10,9	11,0	11,6	11,5	11,4	11,5
	-механик шикастланиш, %	1,5	1,3	1,1	1,3	1,0	1,1	1,5	1,2
	-эркин тола улуши, %	0,1	0,05	0,03	0,06	0,11	0,04	0,09	0,08
	-тўла толали чигит, %	0,2	0,2	0,5	0,3	0,3	0,2	0,1	0,2
